

# Риёзус-солиҳин дарслари

## Азон айтиш фазилати ҳақидаги боб (2)

[ Ўзбекча ]

**Абу Абдурахмон Насафий**

**Мухарир: Шамсиддин Дарғомий**

*islamhouse.com* нинг барча маълумотларини нашр қилиш ҳуқуқи чекланмаган.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

باب فضل الأذان

(الجزء الثاني)

**Азон айтиш фазилати ҳақидаги боб**

(давоми)

الحمد لله رب العالمين و الصلاة و السلام على نبينا محمد و على آله و أصحابه و من تبعهم بإحسان  
إلى يوم الدين

وعن أبي ه ريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: إذا نودي بالصلاة، أدبر  
الشیطان، له ضراطٌ حتى لا یسمع التأذین، فإذا قضي النداء أقبل، حتى إذا ثوب للصلاة أدبر، حتى  
إذا قضي التثویب أقبل، حتى یخاطر بین المرء و نفسه یقول: اذكر كذا، و اذكر كذا - لما لم یذكر من  
قبل - حتى یظل الرجل ما یدري كم صلی متفقٌ علیه. التثویب: الإقامة.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилиб айтадилар: Расулulloҳ соллалоху алайҳи  
ва саллам: "Намозга чақирилганда, азонни эшитмаслик учун Шайтон ел чиқариб қочи  
кетади. Азон тугатилса, қайтиб келади. Тойинки иқомат айтилса, қочи кетади. Иқомат  
айтиб бўлинса, яна қайтиб келади. Ҳаттоки кишига олдин эсига келмаган нарсаларни  
эслатиб, бун эсла бун эсла деб киши билан қалби орасини васваса қилиб тўсади.  
Ҳаттоки киши неча ракаат намоз ўқиганини билмай қолади",-дедилар. (Муттафақун  
алайҳ)

Шарҳ:

Намозга нидо қилишдан мақсад азон айтиш. Тасвибдан мақсад иқомат айтиш. Қайтадан намозга чақирилгани учун шундай номланган. (وَإِذْ جَعَلْنَا النَّبْتَ مَثَابَةً لِّلنَّاسِ )-деган оятдаги “масабатан” калимаси одамлар Байтуллоҳ билан видолашиб кетгандан сўнг унга яна қайтиб келганликлари учун шундай деб аталган. Оятнинг маъноси қуйидагича: “Эсланг: “Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ қилдик”.<sup>1</sup> Яъни улар Байтуллоҳ билан видолашиб кетишса, унга яна қайтиб келишади. Абу Ҳурайранинг ҳадисларида эса: “Намозга иқомат айтилса, унга шошиб келманглар...”,-дейлади. Ҳадис азоннинг фазилатига далолат қилади. Азон айтилаётганда Шайтон уни эшитмаслик учун ел чиқариб қочишига сабаб бўлади. Азон ва иқомат иккаласи ҳам бунда баробардир. Кўпчилик уламолар Шайтоннинг ел чиқариб қочишини унинг зоҳирига қараб: “Ҳақиқий”,- дейишган экан. Баъзилари эса уни таъвил қилишган, ваҳоланки таъвилга ҳеч ҳожат йўқ. Айтишларича: “Бунинг сирини шундаки- азонни эшитган ҳар бир инсу-жин қиёмат куни албатта муаззин ҳақиқа гувоҳлик беради. Шунинг учун ҳам азонни эшитмаслик учун қочади. Қиёмат куни гувоҳлик беришга мажбур бўлмаслик мақсадида уни эшитишдан тўсиши учун ел чиқаради.”<sup>2</sup> Ҳадисдаги: (يخطر) калимаси икки хил ривоят қилинган. Кўпчилик ровийлар то ҳарфини заммалик ўқишган. Шунда унинг маъноси- ўтади,- деган маънода бўлади. Яъни намозхонни намозга берилиб кетишдан тўсади. Баъзилар тони касра билан ривоят қилишган. У ҳолда маъноси- уни васваса билан кўзғайди,- деган маънода бўлади.<sup>3</sup>

Нега Шайтон азон вақтида қочадию, унда Қуръон тиловат қилинадиган намоздан қочмайди?! Бунинг маъносида уламолар ихтилоф қилишган экан. Ал-Муҳаллаб роҳимахуллоҳ айтадилар: “Шайтоннинг азон айтилаётган вақтда қочишининг боиси-ҳамма одамлар тавҳид калимасини ошқора қилишга ва шариатни юзага чиқаришга иттифоқ қилганликлари учун. Чунончи Арафа кунида ҳам Шайтон ҳамма биргаликда Аллоҳ таъолони яккаю-ягоналигига гувоҳлик беришини ва уларга раҳмат нозил бўлишини кўрганда худди шунга ўхшаш ҳолга тушади. Одамларни ошқор қилган нарсадан тўсишдан умидини узади. Аллоҳ уларга инъом қилган савоблар у учун амалга ошмаслигига аниқ ишонч ҳосил қилади. Аллоҳга қилган маъсиятини ва унинг амрига хилоф қилганини эслаб, уни кўрқинч қоплаб олганлиги сабабли гапиришга қодир бўлмай қолади. Бошқалар айтишларича: “Шайтон Одам фарзанди тавҳид калимасига берган гувоҳлигига шохид бўлмаслик учун азондан қочар экан. Зеро Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва саллам: “...муаззин товушининг охирини жин ё инсон ёки бирор нарса эшитса, албатта у учун қиёмат куни гувоҳлик беради”,-деганлар. Имом Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳдан ривоят қилинишича бир киши бир жойга бойлигини беркитиб, узоқ йиллар ундан ғойиб бўлди. Сўнг келиб уни қидирди, лекин беркитган жойини топа олмади. Шунда Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳнинг олдига бориб, бошидан ўтган воқеани унга айтиб берди. Абу Ҳанифа роҳимахуллоҳ унга: “Кечаси намоз ўқиб, унда ниятингни Аллоҳ учун холис қил,

<sup>1</sup> Бақара: 125.

<sup>2</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 4/195.

<sup>3</sup> Фатҳул- Борий, Ибни Ражаб, 7/224.

қалбингда дунё ишларидан биронтаси ҳақида ўйламасликка ҳаракат қил. Сўнг ҳолингни менга билдир”,-дедилар. У киши бориб намоз ўқиган эди, бойлигининг жойи ёдига тушди. Тонг отгач Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ олдиларига келиб, бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Ўтирганлардан бири: “Аллоҳ сиздан рози бўлсин, бунга қаердан далил топдингиз?”-деди. Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ: “Ушбу ҳадисдан топдим; Шайтон бойлигининг жойини эслатиб, намозда ихлос қилишдан тўсишга рози бўлишини билдим”,-дедилар. Одамлар эса Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг илми ва топағонлигига лол қолишди.<sup>4</sup>

وعن عبد الله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما أنه سمع رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول: إذا سمعتم النداء فقولوا مثل ما يقول، ثم صلوا علي، فإنه من صلى علي صلاة صلى الله عليه بها عشراً، ثم سلوا الله لي الوسيلة، فإنها منزلة في الجنة لا تنبغي إلا لعبدٍ من عباد الله وأرجو أن أكون أنا هو، فمن سأل لي الوسيلة حلت له الشفاعة رواه مسلم.

Абдуллоҳ ибн Амр ибнил-Ос розияллоҳу анҳумадан ривоят қилинишича у киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Азонни эшитсангизлар худди муаззин айтган сўзларни айтинглар, сўнг менга салавот айтинглар. Чунки ким менга битта салавот айтса, Аллоҳ унга ўшанинг муқобилига ўнта салавот айтади. Сўнг мен учун Васийлани сўранглар чунки у Аллоҳ бандаларидан фақат биттаси учунгина лойиқ бўладиган бир манзил бўлиб, ўша банда мен бўлишни умид қиламан. Ким мен учун Васийла сўраса, унга шафоат нозил бўлади”,-деганларини эшитган эканлар. (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

Ушбу ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам азон айтилаётган вақтда нималар дейиш ва яқунлангандан сўнг у зотга салавот айтиб, азон дуосини ўқиш кераклигини буюрмоқдалар. Уламолар ушбу ҳадиснинг маъносида ихтилоф қилишган. Баъзилари: “Абу Саъийднинг ҳадиси умумий бўлгани учун азон эшитаётган киши то азон яқунлангунча муаззин айтган сўзларни худди ўзини айтиши керак”,-дейишган. Бу имом Шофеийнинг фикрлари. Баъзилари эса: “Фақат такбир ва икки шаҳодатни муаззин айтганидек айтади. “Ҳайя алассолах” ва “ҳайя алалфалах” сўзларининг ўрнига эса: “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллах”,-дейди. Муовия розияллоҳу анҳунинг ҳадисида шундай келган. Бу эса Абу Саъийднинг ҳадисини баён қилади”,-дейишади. Бу имом Молик ва Куфалик уламоларнинг фикри. Уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари ҳам ҳужжат бўла олади. Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дейдилар: “Муаззин калимаи шаҳодатни айтса, у айтганидек айтинглар”. Буни Бишр ибнил-Муфаззал Абу Ҳурайрадан ривоят қилганлар. Ал-Муҳаллаб роҳимаҳуллоҳ

<sup>4</sup> Ибни Баттол шарҳи, 3/294-297.

айтишларича: “Шаҳодатайндан кейинги сўзлар одамларни намозга чақириш учун айтилади. Бордию уни махфий айтилса, унинг ҳеч қандай маъноси қолмайди, чунки уни бирон киши эшитмайдики, унга намозга чақириш фазилати ёзилса. Азон эшитаётган киши буларни одамларни намозга чақириш учун эмас, балки зикр сифатида айтади. Шунинг учун уларнинг ўрнига Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинганидек “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ”,- дейиши керак бўлади”.<sup>5</sup> Яъни “Ҳайя алассолаҳ”,- деб намозга чақирилганда биз чақирувчи эмас, балки чақирилувчилардан бўламиз. Шунинг учун ҳам биз қайтадан “Ҳайя алассолаҳ”,- дейишимиз дуруст бўлмайди. Балки мана шу чақирилган намозни адо этишга Аллоҳ маваффақ қилиши учун ундан ёрдам сўраймиз. Бу калима эса Жаннат хазиналаридан бири ҳисобланади.<sup>6</sup> Ибни Ҳажар роҳимаҳуллоҳ уламоларнинг салавот маъносида билдирган бир неча фикрларини зикр қилгандан сўнг: “Ушбу фикрларнинг энг афзали Абул-Олия роҳимаҳуллоҳдан нақл қилинган фикр деган эканлар. Абул-Олия роҳимаҳуллоҳ айтадиларки: “Аллоҳ таъолонинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишининг маъноси- у зотни малоикалари ҳузурида мақтаб, улуғлашидир. Малоикалар ва мўминларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтишларининг маъноси- Аллоҳдан шуни сўраб, ҳақларига дуо қилишларидир”.<sup>7</sup>

وعن أبي سعيدٍ الخدري رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : إذا سمعتم النداء،  
فقولوا كما يقول المؤمن متفقاً عليه.

Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Азонни эшитганларингизда муаззин айтганидек айтинглар",-деган эканлар. *(Муттафақун алайҳ)*

وعن جابرٍ رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : من قال حين يسمع النداء :  
اللَّهُمَّ رب هذه الدعوة التامة، والصلاة القائمة، آت محمداً الوسيلة، والفضيلة، وابعثه مقاماً محموداً  
الذي وعدته، حلت له شفاعتي يوم القيامة. رواه البخاري.

Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ким азон эшитганда: “Парвардигоро, ушбу комил азон ва ўқилажак намоз соҳиби. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Васийла ва Фазийла бергин. Ўзинг ваъда қилган мақталган мақомга сазовор қил”,-деса, қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлади”,-деган эканлар. *(Бухорий ривояти)*

<sup>5</sup> Ибни Баттол шарҳи, 3/300-303.

<sup>6</sup> Риёзус-солиҳийн шарҳи, Ибни Усаймийн, 3/199.

<sup>7</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ҳажар, 11/155-156.

Шарҳ:

Ушбу ҳадисдаги “ад-даъватит-таамма” калимасидан мақсад- азон чақириғидир. Чунки азон одамларни энг улуғ ибодат бўлмиш намозга чорлайди. Шунинг учун ҳам у: “Нуқсонсиз, комил чақирик”,-деб сифатланган. Аммо жоҳилиятдаги чақирикларга келсак, улар ё душманга қарши ёрдам сўраш, ё бировнинг ўлганини билдириш, ёки таомга чақириш каби нуқсон ва камчиликлари кўриниб турган чақириклар эди. “Ас-солатил-қоима”нинг маъноси- вақти кирган намоз-дегани.<sup>8</sup> “Ал-васийла”ни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаннатдаги бир манзил”,- деб тафсир қилдилар. Луғатшунос олимлар айтишларича: “Васийла подшо ҳузуридаги манзил экан”.<sup>9</sup> “Ал-фазийла”дан мақсад эса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиёмат кунда ҳам, қиёматдан кейин ҳам барча халойиқдан афзал эканликларини изҳор қилиб, ўша йиғинда халойиқни бунга гувоҳ қилиш. Зеро Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен Қиёмат кунда одам фарзандларининг саййидиман”,-деганлар. “Макоми маҳмуд” шафоат қилиш,- деб тафсир қилинган.<sup>10</sup> Тухфатул-аҳвазий муаллифи Муборакфурий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: “Кўпчилик орасида азондан сўнг айтиладиган дуода иккита иборани зиёда қилиш кенг тарқалган. Биринчиси дуонинг охирида айтиладиган “Иннака ла тухлифул-мийъад” ибораси. Иккинчиси “ал-фазийла” сўзидан кейин айтиладиган “вад-даражатар- рафийъа” ибораси. Биринчи зиёдани имом Байҳақий роҳимаҳуллоҳ ривоят қилганлар. Иккинчисини эса бирон бир ривоятда тополмадим. Имом Айний роҳимаҳуллоҳ Мирқотда шундай дейдилар: “Аммо “вад-даражатар- рафийъа” деган машҳур иборани зиёда қилишга келсак, имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ у ҳақида: “Уни биронта ҳам ривоятда кўрмадим”,-деган эканлар”.<sup>11</sup>

وعن سعد بن أبي وقاص رضي الله عنه عن النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال : من قال حين يسمع المؤذن: أشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، وأن محمداً عبده ورسوله، رضيت بالله رباً، وبمحمدٍ رسولاً، وبالإسلام ديناً، غفر له ذنبه. رواه مسلم

Саъд ибн Аби Ваққос розияллоху анҳудан ривоят қилинишича Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: “Ким муаззин азонини эшитган вақтда: “Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва росувлуҳ, розийту биллаҳи роббан ва бил-ислами дийнан ва бимуҳаммадин росувлан”,- деса, унинг гуноҳлари кечирилади”. (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

<sup>8</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 4/214.

<sup>9</sup> Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий, 2/108.

<sup>10</sup> Фатҳул-Борий, Ибни Ражаб, 4/215.

<sup>11</sup> Тухфатул-аҳвазий, Муборакфурий, 1/244.

Ҳадисдаги шаҳодатайнинг маъноси -ёлғиз ва шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бандаси ва элчи-пайғамбари эканлигига гувоҳлик бераман,-дегани. Ундаги: “Розийту биллаҳи роббан” жумласининг маъноси-Аллоҳнинг рубубиятига ва барча казою-қадарига розиман,- дегани. “Ва бимухаммадин росувлан”нинг маъноси- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилинган ва бизларга етказган барча эътиқод ва аҳкомларга розиман. “Ва бил-ислами дийнан”нинг маъноси-ислом буюрган ва тақиқлаган барча ҳукмларга рози бўлиб буйсунаман,-дегани. Кимда ким муаззинга ижобат қилгандан сўнг ушбу сўзларни айтса Аллоҳ унинг ҳамма сағийра гуноҳларини кечириб юборар экан.<sup>12</sup>

وعن أنس رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : الدعاء لا يرد بين الأذان والإقامة. رواه أبو داود والترمذي وقال: حديث حسن.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилишларича Расулуллоҳ соллаллоҳу аллайҳи ва саллам: "Азон билан иқомат орасида қилинган дуо қайтарилмайди",-деган эканлар. *(Абу Довуд ва Термизий ривоят қилиб, Термизий ҳасан ҳадис деган эканлар)*

Шарҳ:

Азон билан иқомат орасида қилинган дуо қайтарилмайди, балки ижобат қилиниб, қабул қилинади. Анас розияллоҳу анҳунинг ривоятларидан бирида: “Азон билан иқомат орасида қилинган дуо мустажобдир”,-дейилган. Буни Суютий роҳимахуллоҳ “ал-Жомеус-сағийр”да зикр қилган. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, азон билан иқомат орасида қилинадиган дуо бошқа вақт қилинадиган дуолар сингари гуноҳ ишлар қилиш ёки силайи раҳм қилмаслик учун бўлса, қабул қилинмайди. Муновий ҳадисдаги “мустажобдир”-деган сўзга илова қилиб айтадиларки: “Яъни дуонинг шартлари, арконлари ва одобларини жамлагандан сўнг мустажоб бўлади. Агар шулардан баъзиларини бажармаса, у ҳолда ўзидан ўпқаласин”.<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Тухфатул-аҳвазий, Мубораққурий, 1/243.

<sup>13</sup> Тухфатул-аҳвазий, Мубораққурий, 1/245.

## ﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

### باب فضل الأذان (2)

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين